



2020 у "28" апрель

№ Қ-819

« » 20 г

Туман ҳудудларидаги каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шеробод тумани ҳудудларидаги сойлар, каналлар, кирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларини кирғоқдан 25 метр, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари учун 10-12 метр ҳамда хўжалик ички сугориш ва зовур тармоқлари учун 3 метр этиб белгилансин.

2. Хўжаликлараро канал ва коллекторлар кирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ифлослантирувчи нарсалар (ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқавалар) ташлаш шунингдек захарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи қуйиш шахобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилганлиги белгилаб қўйилсин.

3. Туман ҳудудларидаги магистрал, хўжаликлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар кирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиги идоралари рухсати билан кирғоқларни мустаҳкамлаш, сув буғланишини камайтириш мақсадида мавсумий кишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилсин.

4. Туман ҳокимлиги ахборот матбуот котиби (А.Мамаюсупов) ва “Шеробод ҳаёти” газетаси таҳририяти (Э.Тураев)га мазкур норматив ҳукукий ҳужжатни “Шеробод ҳаёти” газетасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочиларга етказилишини ташкиллаштирсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Сувонов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким



А.Амиров